

## **2008-4-сон**

*Судланганлик муддати ўтиб кетганлиги аниқланмаганлиги суд қарорларини ўзгартирилишига сабаб бўлди.*

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 26 мартдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2008 йил 23 февралдаги ҳукмига асосан А. Жиноят Кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгиланган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари А.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган ва унга қонун доирасида асосли жазо тайинлаган. Бироқ, А.нинг муқаддам жиноят ишлари бўйича Қирғули туман судининг 1999 йил 22 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ Жиноят Кодексининг 176-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан 7 йил, 176-моддасининг 1-қисми билан 2 йил, Жиноят Кодексининг 59-моддаси тартибида 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган бўлиб, 2001 йил 10 сентябрда 2001 йил 22 августдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинганлиги ва кейинги жиноятни жазодан озод қилингандан сўнг 4 йил ўтгандан кейин содир этганлиги сабабли унинг судланганлик муддати ўтиб кетганлигига эътибор бермасдан, А.га нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгилаб хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг: 77-моддасида суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланиши, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлиши;

78-моддасида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - тўрт йил ўтгач, шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши;

80-моддасида агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланиши назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2008 йил 12 июнда А.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, А.га жазони умумий тартибли колонияда ўташни белгилади.

***ЖСҲ-165-08***